

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
Илмий кенгашининг **2026 йил 16 январдаги**
2026/1-сон йиғилиши баёнига **2-илова**



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Директор ўринбосари

Б.А.Холбаев

М.ў.

2026 йил “19” январь

**ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ЯКУНИЙ ДАВЛАТ
АТТЕСТАЦИЯСИДАН ЎТКАЗИШ (битирув
имтихонини топшириш) ВАҚТИНЧАЛИК
ТАРТИБИ**

Тошкент - 2026

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиларини якуний давлат аттестациясидан (битирув имтихонини топшириш)

Ўтказиш вақтинчалик

ТАРТИБИ

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартиб Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини имтихон шаклида ўтказиш қоидаси белгилайди.

2. Имтихон ҳар бир магистратура мутахассислиги (кейинги ўринларда —мутахассислик) бўйича ташкил этиладиган комиссиялар томонидан ўтказилади.

3. Имтихон махсус фанлар бўйича 3 тадан топшириқдан иборат синов шаклида ўтказилади.

4. Саволлар мутахассислик бўйича махсус фанлар мазмунига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, малака талабларида назарда тутилган билим, кўникма ва малака даражасини аниқлашга йўналтирилади.

2. Имтихон комиссияси (кейинги ўринларда - Комиссия) фаолиятини ташкил этиш тартиби

5. Комиссия таркиби битирув семестри бошланишидан камида бир ой олдин Олий бизнес мактаби директори ўринбосарининг буйруғи билан тасдиқланади.

6. Комиссия таркиби камида 5 нафар (комиссия раиси, котиб ва 3 нафар аъзо) ташқи экспертлар (иш берувчилар, мустақил мутахассислар) ва профессор-ўқитувчилардан иборат бўлади.

7. Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади: битирувчининг билим, кўникма ва малака даражасининг тегишли таълим йўналиши ва мутахассислик малака талабларига мувофиқлигини комплекс баҳолаш;

аттестация натижалари бўйича битирувчиларга тегишли академик даражасини бериш бўйича қарор қабул қилиш.

8. Имтихон жараёни онлайн режимда овозли видеотрансляция қилинади ҳамда ушбу видеотасвирлар бир йил давомида Регистратор офисида сақланади.

3. Имтихонни ўтказиш тартиби

9. Битирув имтихонига тегишли фанларни ўзлаштирган, белгиланган кредитларни тўплаган ҳамда тўлов-контракт шартларини тўлиқ бажарган битирувчилар қўйилади.

10. Регистратор офиси битирув семестрининг бошланишида имтихон ўтказиладиган махсус фанлар рўйхатини тузиб тасдиқлашга киритади. Рўйхат имтихондан камида бир ой олдин Олий мактабнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

11. Имтихонда махсус (мажбурий) фанлар бўйича синовлар ёзма ва оғзаки шаклларда аралаш ташкил этилади:

1-топшириқ. Мутахассислик фанларига оид назарий савол (тах – 30 балл).

2-топшириқ. Мутахассислик фанларига оид назарий савол (тах – 30 балл).

3-топшириқ. Амалий кейс топшириғи (муаммоли масаланинг ечимини топиш: муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва таклиф ишлаб чиқиш) (тах – 40 балл).

12. Махсус фанлар бўйича ўтказиладиган якуний давлат аттестацияси дастури Олий бизнес мактаби Кенгашининг қарори асосида директор ўринбосари томонидан тасдиқланади ҳамда аттестация бошланишидан камида бир ой олдин Регистратор офиси томонидан битирувчилар эътиборига етказилади. Битирувчилар имтихондан олдин ушбу дастур билан таъминланадилар, уларга тайёргарлик кўриш ва маслаҳатлар бериш учун зарур шароитлар яратилади.

13. Имтихонлар ўқув жараёни жадвалида кўрсатилган муддатларда, Регистратор офиси томонидан тайёрланган ва Олий мактаб директори ўринбосари томонидан тасдиқланган имтихонлар жадвали асосида ўтказилади.

14. Имтихон топширувчилар аудиторияга шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида рўйхат бўйича киритилади ва имтихон саволлари (билетлар)га тайёрланишлари учун уларга регистратор офиси томонидан печать босилган А4 шаклида тоза қоғозлар берилади.

15. Имтихон билетидаги 2 та назарий саволга тайёргарлик кўриш учун 20 дақиқа ва амалий кейсларга 25 дақиқа (жами 45 дақиқа) вақт ажратилади (вақт доскага ёзиб қўйилади). Белгиланган вақт тугагандан кейин комиссия энг биринчи кирган тингловчидан бошлаб оғзаки имтихон олишни бошлайди (бунда жавоб беришга эртароқ тайёр бўлган тингловчи навбатсиз топшириши мумкин).

1- ва 2-топшириқда билетдаги саволларнинг ҳар бирига тўғри жавоб берганлик учун 30 балгача балл берилиши мумкин. 3-топшириқда (амалий кейс) муаммони тўғри аниқлаганлик учун 10 балгача, муаммоли масалани амалий вазиятга боғлаб чуқур таҳлил

қилганлик учун 20 балгача ҳамда муаммонинг ечими учун аниқ таклифлар бергани учун 10 балгача баҳо берилади.

16. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси билетдаги 3 та топшириқ бўйича тингловчига алоҳида балл қўйиб чиқади ва баллар йиғиндисини имтихон варақасига ўз қўли билан ёзиб имзолайди.

17. Имтихонлар бошланишидан икки ҳафта олдин комиссия раиси билан олий мактаб директори ўринбосари комиссиянинг тайёргарлик даражаси, комиссия раиси ва аъзоларининг вазифалари, битирувчиларга қўйилаётган талаблар, тартиб-интизом масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилади.

18. Имтихонда телефон, шпаргалка, китоб, дафтар, турли радиоэлектрон қурилмалардан фойдаланиш қатъиян ман этилади. Бундай ҳолат аниқланганда, имтихон комиссияси томонидан битирувчига қониқарсиз баҳо қўйилади ёки қўйилган ижобий баҳо бекор қилинади. Бу ҳақида комиссия томонидан далолатнома тузилади.

19. Имтихонда битирувчилар Ўзбекистон Республикасида олий таълим битирувчиларининг билими, кўникма ва малакасини баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

20. Имтихон натижалари имтихон ўтказилган куннинг ўзида битирувчиларга эълон қилинади.

21. Имтихонда битирувчи қониқарсиз баҳо билан баҳоланганда битирувчига диплом берилмайди ҳамда имтихонни Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратураси тўғрисида Низомга мувофиқ қайта топширади.

22. Комиссия битирувчиларга аттестациянинг ижобий натижалари асосида магистр даражасини бериш ҳақида қарор қабул қилади.

23. Узрли сабаб билан имтихонга келмаган битирувчилар Олий мактаб директори ўринбосарининг буйруғи билан комиссиянинг иши яқунланишига қадар бошқа муддатларда ўтказиладиган имтихонга киритилади.

24. Комиссиянинг иши бўйича йиллик ҳисобот Олий мактаб Кенгашида кўриб чиқилади. Мазкур Кенгаш йиғилишига комиссия раиси таклиф қилинади.

4. Имтихон натижалари юзасидан шикоят қилиш тартиби

25. Имтихон натижаси бўйича олган баҳосидан норози бўлган битирувчилар аризаларини кўриб чиқиш Олий бизнес мактаби магистратураси тўғрисида низом (9-боб) талабларига мувофиқ ташкил этилади.

5. Якунловчи қоида

26. Мазкур Тартиб талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
тингловчиларининг битирув имтихонини
ўтказиш тартибига
1-илова

Битирувчини магистрлик даражаси беришга тавсия қилиш учун ИМТИХОН ВАРАҚАСИ

(битирувчининг Ф.И.Ш.)

(мутахассислик коди ва номи)

Т/р	Комиссия аъзоси Ф.И.Ш.	Лавозими	Балл (баҳо)	Хулоса (тавсия)	Имзо ва сана
1.		Комиссия раиси			
2.		Аъзо			
3.		Аъзо			
4.		Аъзо			
5.		Аъзо			
Умумий ўртача балл:					